

МУЛЬТИМЕДИА РЕСУРСЛАРИ – ЗАМОН ЭҲТИЁЖИ



Аскар Газиёв,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Электрон
буюртмаларни
мувофиқлаштириш
ва ресурсларни
масофага етказиб
бериш хизмати
раҳбари

Ахборот асрида фан-техника тараққиёти юксак босқичга кўтарилди. Шунга монанд барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда бирор-бир соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Жумладан, таълим жараёнида, ахборот-кутубхона муассасаларида ҳам замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш урфга айланган.

Мамлакатимизда замон талабига мос юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун шароит яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ чекланган ресурслар билан барча муассасаларда керакли дастурий таъминотлар ва техникалар билан тўлиқ таъминлаш имконияти мавжуд эмас.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот ресурсларининг турли хил кўринишларини, замонавий дастурий таъминот ва техника жиҳозларини ўзида жамлаганлиги билан юрти-

миздаги бошқа ахборот-кутубхона муассасаларидан алоҳида ажралиб туради. Миллий кутубхона фондида нафақат босма, балки электрон, аудио ва видео материаллардан иборат мультимедиа ресурслари ҳам мавжуд бўлиб, бу ахборот излаб келган фойдаланувчилар учун керакли ахборотдан исталган кўринишда фойдаланишга имкон яратади. Фойдаланувчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида 2013 йилда Миллий кутубхона фондида мавжуд мультимедиа ресурсларини ўзида жамлаган янги Мультимедиа маълумотлар базаси (media.natlib.uz) дастури жорий қилинди. Дастурдаги ресурслар турли жанр ва соҳаларга ажратилган бўлиб, ундан фойдаланувчилар кутубхонага ташриф буюриб, ўқув залларида жойлашган компьютер қурилмалари ҳамда турли интерактив панеллар – Инфокиосклар орқали фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда дастурда 800 дан зиёд мультимедиа ресурслар жамланган. Жумладан:

- «Бизнинг мерос», «Буюк арбобларимиз», «Бизнинг ютуқларимиз» рукнларида мужасамлашган ҳужжатли ва бадиий фильмлар;
- «Тадбирларнинг видео тасвирлари» (Миллий кутубхонада ўтказилаётган маданий, маърифий тадбирлар ёритилган);
- ЎзМТРК фондидан олинган видеофильмлар;
- рус ва ўзбек тиллардаги аудио китоблар;
- аудио эртақлар (ўзбек ва рус тилларида);
- кутубхона фондидаги мавжуд грампластинкаларни рақамлаштириш.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида 11 мингдан ортиқ нодир ва ноёб, жаҳон ҳамда ўзбек миллий мумтоз мусиқа дурдоналарини тараннум этадиган грампластинкалар мавжуд. Ҳозирги кунда ушбу ноёб мусиқа асарларини келажак авлодларга етказиш, фойдаланувчиларга тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб ва таклифларини бажариш юзаси-



дан Миллий кутубхона томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд грампластинкаларни замонавий технологиялар орқали эшитиш, фойдаланиш имкониятларини яратиш мақсадида, 2014 йилдан бошлаб махсус граммофон «ION-PURE LP» ва унинг компьютер қурилмасига ўрнатиладиган махсус «EZ VINLY TAPE CONVERTER» дастури орқали рақамлаштириш амалга оширилмоқда. Рақамлаштирилган грампластинкалар WAV форматидан MP3 форматга ўтказилиш жараёнида электрон кўринишда устки муқовалар тайёрланиб, Мультимедиа маълумотлар базасига киритилмоқда. Мавжуд бир дона ва ноёб жаҳон ҳамда ўзбек миллий классик дурдонасига оид грампластинкалардан фойдаланиш самарадорлиги оширилмоқда. Жумладан, ягона нусхадаги грампластинкани фойдаланувчилар бир вақтнинг ўзида, кутиб қолмасдан, кутубхонанинг исталган ўқиш залларидаги компьютерлар орқали фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Бу борада олиб борилаётган ишлар жадаллаштирилиб, мукамал Мультимедиа маълумотлар порталини яратиш мақсад қилиб олинган. Ушбу портал орқали фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилиши, Миллий кутубхонага ташир буюрмасдан ўзбек миллий мусиқа санъати дурдоналаридан кенг фойдаланувчилар оммасини баҳраманд қилиш мақсадида, интерактив ҳолда дунёнинг исталган жойидан фойдаланиш имкониятлари яратилиши кўзда тутилмоқда. Веб – порталда фойдаланувчилар учун кенг қулайликлар мавжуд бўлиб улар ўзаро фикр алмашишлари, портал имкониятларини, мультимедиа ресурсларини баҳолаш ҳамда ўзларида мавжуд фан, таълим ва маданият соҳаларига оид маълумотларни жойлаштиришлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида олиб борилаётган давлатлараро ҳамкорликлар самарали амалга оширилмоқда. Жумладан,



«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги «Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик Фондининг молиявий кўмагида «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасини, биринчи навбатда, амалга ошириш бўйича чоралар туғрисида»ги ПҚ-2088-сон Қарорига асосан, Миллий кутубхонада корейлик ҳамкорлар томонидан тайёрланган дастлабик техник-иқтисодий асослар кўриб чиқилиб, ушбу мутахассислар билан ҳамкорликда режалаштирилган «Мультимедиа маркази» ва «Сканерлаш ва рақамлаштириш» марказлари ташкил этилиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар натижасида «Мультимедиа маркази» ўз фаолиятини нафақат Миллий кутубхона, балки бутун республика миқёсида олиб боради. Келажакда ушбу ишларни амалга ошириш, албатта, ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим олишида ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Миллий кутубхона фондида мавжуд мультимедиа ресурсларини ўзида жамлаган янги мультимедиа маълумотлар базаси (media.natlib.uz) дастури жорий қилинди

Кутубхона фондида 2250 дан ортиқ мультимедиа ресурслари жамланган

Аскар Газиев, руководитель службы координации электронных заказов и дистанционной доставки ресурсов Национальной библиотеки Узбекистана

В статье рассматриваются новые возможности предоставления информационно-библиотечными учреждениями услуг пользователям с привлечением мультимедийных ресурсов и продуктов, освещается опыт внедрения мультимедийных средств в практику работы Национальной библиотеки Узбекистана, принципы и правила создания мультимедийной продукции и правила пользования ими при помощи персональных компьютеров и интерактивных панелей.

Также в статье представлена информация о проекте «Национальная общеобразовательная электронная библиотека» и участие в данном проекте службы координации электронных заказов и дистанционной доставки ресурсов Национальной библиотеки Узбекистана. ■